

Январь
ОЙ МАВЗУСИ: «ҚИШ ҚУВОНЧЛАРИ»

Гуруҳ	КАТТА ГУРУҲ						
Мавзу	Қиш қувончлари						
Оралик	Январ 1 ҳафта						
Ривожлантириш соҳаси бўйича мақсад	Ҳисмоний ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш	Соғлом турмуш тарзини ривожлантиришда давом этиш. Куннинг совуқ вақтларида тоза хаводан ва қордаги ўйинлардан завқ олиш.					
	Ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш	Янги йил байрамлари қувончларини давом эттириш. Болаларни табиатнинг қишки кўринишдан, қишки ўйин ва ҳадбирлардан завқ олишга чақириш.					
	Нутқ, ўқиш ва саводга тайёргарлик	Қиш қувончлари ҳақидаги ўй фикрларини кенгайтириш. Нутқини ривожлантириш. Шеър ва ашулаларни ёд олиш.					
	Билиш жараёни	Йил фасллари ҳақидаги билимларни бериш. Ўқув тажриба фаолияти.					
	Ижодий ривожлантириш	Ижодий қобилиятларини ривожлантириш. Барча фаолиятлар орқали қиш фаслини ифодаловчи белгиларни аниқлашга ўргатиш.					
Ривожлантириш марказлари		Таълим-тарбиявий фаолият					
Фронтал машғулотлар (катта доира)		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар
Мустақил таълим фаолияти	Қуриш-яаш ва математика маркази	Ўчбурчаклардан «Арча» яшаш. Оригами «Арча»		Қуриш-яаш камламмасидан «Сирпанчик», «Қишки ўйингоҳ»	Музда қолган ме-вали дарактларни безаш «Нукталарни бирлаштир ва бўя» иашқи	Думалоқ шаклдаги катта қор юмини яшаш	Арча, қуриш-яаш камламмаси, тайёр намуналар
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаш маркази	«Қуёнчанинг уйчаси» драммалаштириш		«Қорқиз болалар билан меҳмонда», «Менинг оилам». «Янги йил ўйинчоқлари дўкони»			Иккита уйча, қорқиз сийми, ўйинчоқлар
	Нутқ ва савод	«Қор ёғмоқда» мавзули расмлар асосида хикоя тузиш			«Қиш қувончлари», «Шаҳарда қиш» мавзуларидаги расмларни кўриш ва хикоя тузиш.		Расмлар
	Дан ва табиат маркази	Магнит ва унинг ҳусусиятлари билан таништириш.	«Турли хил даракт пўстлоғларини таррабин орқали томоша қилиш ва уларни музлашдан асраш»		Сув билан тажрибаларни давом эттириш. Сувни яхлаган ҳолатда сенгайишини ўрганиш. Идишларда сув солиб уни кечаси ховлида қолдириш.		Даракт пўстлоқ-лари, таррабин, магнит, темир буюмлар, идишда сув, термометр, ме-ва ва рабзавотлар
	Санъат маркази	«Мўжизакор қиш» мавзусида расмлар кўрик танлови		«Қордан байрам торти».		Аппликация «Қорпарчалар учмоқда».	Қоғоз, қайчи, мавзуга доир концелиярия доллари.
	Музыка ва ритмика маркази	«Биз қишдан курсандмиз» кўнгил очиш соати	«Қорбола ёқолиб қолди» ўйини болаларни ритм орқали излаш.	«Қумуш қиш» учун концерт	«Аёз бобо» Стол театри.	«Қор» таълимий ўйини	ДВД, музыка маркази, диск

Январ 1 hafta
«Қиш қувончлари».

Қуриш-ясаи ва математика маркази:

Мавзу: Учбурчаклардан «Арча» ясаш, Оригами «Арча».

Мақсад: Учбурчак шаклини орагами усулида ясайди, тайёр шаклларни бирлаштиради ва арча ясайди. Ижодий қобилияти ошади.

Керакли жихозлар: Намуна, қоғоз. Арча ясаш схемаси тасвирланган расм, турли хилдаги арча суръатлари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Арча суръатларини томоша қилиш.
2. Арча схемасини кўриб таниши.
3. Схема асосида қоғоздан турли хил катталиқдаги учбурчак шаклларини ясаш.
4. Тайёр шакллардан арчани йиғиш.

Кўшимча: Арча мавзусида шеър ёки қўшиқлар айтиш. Арча учун арча ўйинчоқлари ясаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Кузатувчанлик, қуриш-ясаида олиб бориладиган ишнинг кетма-кетлиги, ижодкорлик.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драммалаштириш.

Мавзу: «Қуёнчанинг уйчаси»

Мақсад: Яхшилик ва ёмонликни ажратади, актёрлик жихатлари шаклланади, ўзаро мулоқотга киришади.

Керакли жихозлар: Эртакни акс эттирувчи расмлар, қахрамонлар учун ниқобива кийимлар, иккита уйча.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмлар орқали эртакни ёдга олиш.
3. Ролларни бўлишиш.
4. Қахрамонлар кийимларини кийиш.
5. Ролни ижро этиш.

Кўшимча: Болалар ўз роллари билан алишиб бошқа қиёфага кириши ва эртакни истаклари асосида ўзгача тарзда яқунлаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болалар қобилияти, ўзаро бир-бирларини хурмат қилиш ва тенгдошларини тинглаши, нутқдаги ижобий жихатлари.

Тил ва нутқ.

Мавзу: «Қор ёғмоқда» мавзули расмлар асосида хикоя тузиш.

Мақсад: Қиш фаслидаги ўзгаришларни билади, расмларни таҳлил қилади. Қиш мавзуси асосида нутқида янги сўзлар кўпаяди. Бола нутқи фаоллашади, эшитиш қобилияти ривожланади, диққат ва хотира мустаҳкамланади.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида суръатлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмларга қараб уларни бир-биридан фарқлаш.
3. Расмдаги воқеа-ходисани онгида таҳлил қилиш.
4. «Қор ёғмоқда» мавзусида кичик хикоя тузиш.

Кўшимча: «Қор» 3. Диёр шеърини ёд олиш. Қорпарчалар ясаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Расмларни таҳлил қилинишига, хикояда воқеа-ходисаларни кетма-кетлигини тўғри тузилганлигига.

Фан ва табиат.

Мавзу: Магнит ва унинг хусусиятлари билан таништириш.

Мақсад: Магнит нима эканлигини билади, кундалик фаолиятига қўшимча маълумот, магнит хусусиятларини билади, жихозларни ажратади ва тажриба орқали синаб кўради, хулоса ва натижа чиқаради. Магнит инсон кундалик ҳаётида зарур эканлигини билади. (ерга тортиш кучи)

Керакли жихозлар: қоғоз, ёғоч, темир, елим, чинни, алюмин бўлаклари ва магнит.

Фаолиятнинг бориши:

1. Турли хилдаги жисмлар бўлакларини томоша қилиш.
2. Магнитни ушлаб уни ҳис қилиб кўриш. (каттиқ-юмшоқ, оғир-енгил, темир-шиша)
3. Магнитни ҳар бир жисм бўлагига яқинлаштириб кўриш.
4. Магнитни темир жисмларга ёпиштириш.
5. Жисмларни икки гуруҳга бўлиш. (темирли ва бошқа турдаги)

Қўшимча: Магнитнинг тортишиш ва бир-биридан итарилиш кучи билан таништириш, тажриба ўтказиш, «Магнитли безаклар» ясаш. (музлатгич учун)

Алоҳида эътибор қаратилади: Физикавий ходисаларни қабул қила олишига, жисмларни ажратиш, таҳлил қила олишига.

Санъат маркази.

Мавзу: «Мўжизакор қиш» мавзусида расмлар кўрик танлови

Мақсад: Кўрик танлов нима эканлигини билади, кўрик-танловда иштирок этиш қоидаларини билади, рақобатлашиш малакалари шаклланади, ўзининг ва тенгдошларининг ишини таҳлил қила олади, кўрик-танловларда иштирок этиш иштиёқи ошади.

Керакли жихозлар: Қиш фасли тасвирланган турли расмлардан намуналар, концелиярия моллари. Рағбатлантириш учун «Офарин» медаллари.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу асосида расмларни кўриш.
2. Ўз хоҳишига кўра керакли жихозларни танлаб олиш.
3. Ижодий фаолият.
4. Кўргазма ташкил этиш.
5. Тенгдошлари ишлари билан танишиш ва баҳолаш.
6. Рағбатлантириш.

Қўшимча: Мавзу асосида шеър, эртақ-хикоялар тинглаш. Уйга вазифа бериш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Боланинг бадиий-эстетик жихатларини шаклланганлиги, тасвирий фаолиятнинг турларини ажрата олиши, ўз фикрини расмлари орқали ифодалаши. Танлов натижасида ғолиб ва мағлуб бўлгандаги ҳиссиётлари.

Муסיқа ва ритмика маркази

Мавзу: “Биз қишдан хурсандмиз” Кўнгил очар соат.

Мақсад: АКТ орқали янграётган қиш тўғрисидаги муסיқа ва кўшиқларни тинглайди, рақсга тушади ва ўзини қишги ўрмонларда юргандек ҳис қилади.

Керакли жихозлар: ДВД, қиш фасли ҳақидаги куй ва кўшиқлар ёзилган флешка, арча байрами учун тайёрланган жихозлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар учун тайёрланган мусиқа ва қўшиқлардан иборат флешкани ДВД орқали қўйиб бериш;
2. кўнгил очиш вақтини ташкил этиш учун жой хозирлаш;
3. эртақ қахрамонлари образларини танлаш;
4. Мусиқа остида унга мос ҳаракатларни бажариш.

Қўшимча:

1. 6

Қуриш-ясаш ва математика маркази.

Мавзу: Қуриш-ясаш жамламмасидан «Сирпанчиқ», «Қишки ўйингоҳ».

Мақсад: Қуриш-ясаш жамламмаларидан қишки ўйингоҳ ва сирпанчиқ қура олади, қуриш-ясаш жамланмаларини катта ва кичик ҳажмларини ажрата олади ва тўғри тартибда устма-уст тартибда тахлайди. Қишки ўйингоҳдаги ўйин анжомларини билади ва фарқлайди.

Керакли жихозлар: Намуна, мавзу асосидаги расмлар, қуриш-ясаш жамланмаси, турли конструкторлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қиш фаслидаги ўйин анжомлари тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Қишки ўйингоҳни тахминий режасини тузиш.
3. Керакли жихозларни танлаш.
4. Фаолиятни бошлаш.
5. Тайёр бўлган ишни тахлил қилиш ва номлаш.

Қўшимча: Муассаса ховлисида чана учини.

Алоҳида эътибор қаратилади: Қуриш-ясаш малакаларини шакллانганлиги, жихозларни тўғри танлаши, бажарилиши лозим бўлган ишни тўғри режалаштириши.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш.

Мавзу: «Қорқиз болалар билан меҳмонда».

Мақсад: Қиш фаслида нишонланадиган байрамлар ҳақида маълумотга эга, байрамда эртақ қахрамонларини танийди.

Керакли жихозлар: Қорқиз кийми, янги йил байрами тасвирланган расмлар, арча, байрам столи, арча ўйинчоқлари ва турли хилдаги буюмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Ролларни танлаб олиш.
3. Ўйинни боришини режалаштириш.
4. Ўйин воқеа-ходисаларини сахналаштириш.

5. Ўйинни якунлаш ва таҳлил қилиш.

Қўшимча: «Арча атрофида» ашула куйлаш, мавзулар асосида расмлар чизиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Хаётий воқеаларни бола онгига таъсири ва уни шу ўйинда акс этириши.

Мавзу: «Менинг оилам».

Мақсад: Оилада турмуш тарзи қандай ташкил этилганлиги, оила бюджети, оиладаги ўзаро муносабатларни, ҳамкорликдаги ютуқларини нима эканлиги ҳақидаги билимлари шаклланади. Оиладагиларига нисбатан меҳр уйғонади, ўз хохшига кўра оила аъзолари учун ғамхўрлик қилади.

Керакли жихозлар: Уй жихозлари жамланмаси, қўғирчоқ, оила бурчагидаги буюмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ролларни танлаб олиш.
2. Мавжуд жихозларни ўз хохшига кўра жойлаштириш.
3. Ўйинни боришини режалаштириш.
4. Ўйин давомида дастурхон ёзиш.
5. Уй ишларини бажариш (супириш, чанглардан тозалаш).
6. Меҳмон кутиш.
7. Ўйинни якунлаш.

Қўшимча: Менинг оилам мавзусида расм чизиш. Оилавий суръатларини олиб келишларини таклиф этиш ва суръат асосида хикоя тузиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Хар бир қаҳрамонни мажбуриятларини қай даражада ижро этаётганлиги. Ўйин мобайнида тенгдошлар билан ҳамжихатликни таъминланганлиги.

Мавзу: «Янги йил ўйинчоқлари дўкони»

Мақсад: Жамоавий ўйинларда фаол иштирок этади. Ўз ролини тўғри ва аниқ ижро эта олади. Дўстлари билан келишган ҳолда ўйинни режалаштиради. Бошқа қаҳрамонларнинг ижросини муҳокама қилади ва ўз фикрини билдиради.

Керакли жихозлар: Дўкон макети, сотувчи кийми, арча ўйинчоқлари, харид учун пул ва пластик карталар, арча, сават.

Фаолиятнинг бориши:

1. Безатилагн арчани томоша қилиш.
2. Ролларни тақсимлаш.
3. Қаҳрамонлар кийимларини кийиш ва ўз жойларини эгаллаш.
4. Дўконда мулоқотга киришиш.
5. Харидни амалга ошириш.
6. Харид қилинган ўйинчоқлар билан арчани безатиш.
7. Дўстлари билан безатилган арчани томоша қилиш.

Қўшимча: АКТ воситалари орқали қисқа метражли филмларни намойиш этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Сотувчи касби ҳақидаги билимларига, математик билимларини эгалланганлигига, дид билан безатилиши.

Тил ва нутқ.

Мавзу: «Қиш қувончлари» мавзусидаги расмларни кўриш ва хикоя тузиш.

Мақсад: Йил фасллари хақидаги тушунчалари бойиди, қиш фаслининг ўзига хос хусусиятларини кўриб ажрата олади, қиш фаслида хайвонот ва ўсимлик дунёси қандай қиёфага киришини билади.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида расмлар, қиш фасли тасвирланган карточкалар, эртак китоблар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмлар асосида ўз-ўзига савол бериш.
3. Тасвирланган ходисаларни таҳлил қилиш.
4. Расмлардаги фарқларни топиш ва уларни бир-бири билан солиштириш.
5. Қўшимча таклифлар киритиш.
6. Хикояни дўстларига сўзлаб бериш.

Қўшимча: «Қор бўрон» ўйинини ўйнаш. Қордан қор бола яшаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Мустақил хикоя тузиш малакасини шаклландирилганлиги. Расмдаги барча элементларни эътибордан чета қолдирмаганлиги.

Мавзу: «Шаҳарда қиш» мавзусидаги расмларни кўриш ва хикоя тузиш.

Мақсад: Шаҳар кўчаларининг қиш кунларидаги кўриниши хақида тасаввурга эга.

Керакли жихозлар: Мавзу асосида расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Расмларни томоша қилиш.
2. Расмлар асосида дўстлари билан ўзаро суҳбат.
3. Тасвирланган ходисаларни таҳлил қилиш.
4. Шаҳарнинг тунги кўчаларида қор билан беланган уйлар, дарахтлар, кўча ва ҳиёбонларини расмларда кузатиш.
5. Шаҳарни бошқа фаслларда қандай кўринишда бўлиши хақида дўстлари билан суҳбатлашиш.
6. Хикояни дўстларига сўзлаб бериш.

Қўшимча: «Белгисидан аниқла» таълимий ўйини, мавзу асосида гуруҳ йўлакчасини безатиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Товуш ва сўзларни тўғри талаффуз қилишига, гапларни асосий сўзлар асосида тузиши, хикояни тўғри яқунлаши.

Фан ва табиат.

Мавзу: Дарахт пустлогини заррабин (лупа) оркали кузатиш.

Мақсад: Турли дарахтлар номларини билади ва фарқлай олади. Дарахтлар пустлоги дарахт танасини коплаб олиб, уни табиат ходисаларидан химоя қилиши хақидаги билимларга эга.

Керакли жихозлар: Турли дарахтлар пустлоғи, дарахтларнинг кўргазмалари ва таркатма карточкалари суратлари, заррабин (лупа).

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар дарахтлар суратларини кузатадилар.
2. Турли хил дарахт пустлоғларини кўрадилар.
3. Турли дарахтлар пустлогини заррабин (лупа) оркали кузатадилар.
4. Кўрган билганларини дўстлари билан ўзаро таҳлил қиладилар.
5. Туғилган саволлар билан тарбиячига мурожаат қиладилар.

Кушимча: Тарбиячи дарахтлар пуствогининг вазифаси хакида сузлаб беради, дарахтлар пуствогини дарахт танасини коплаб олиб, уни табиат ходисаларидан (ёзда куёш нурлари ва иссиқдан, кишда музлашдан) химоя қилиши хақидаги маълумотлар билан болаларни таништириш. Мактабгача таълим муассаса худудида қандай дарахтлар узиши хақида сузлаш.

Эътиборга молик жихати: Дикқат билан кузатиш ҳамда хулоса чиқариш малақасининг шаклланиши.

Таълимий ўйин.

Мавзу: «Жуфтини топ».

Мақсад: Эътибор, диққат, ақл ва идрокни ривожланади, буюмларни синчковлик билан кузатади.

Керакли жихозлар: Турли хилдаги буюмлар тасвирланган карточкалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Асосий карточкаларни қўриб буюм хақида умумий маълумотга эга бўлиш.
2. Ёрдамчи карточкалар орасидан танланган буюмнинг жуфтини топиш.
3. Буюмни бутлаш.

Қўшимча: тарбияланувчиларга қўшимча шу турдаги таълимий ўйинларни таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Болаларни карточкалардаги диққат билан қарашлари, эътиборлили бўлишларига.

Санъат маркази.

Мавзу: «Байрам торти» лойиши.

Мақсад: Қор ва қорнинг хусусиятини билади. Бўлақларни ката кичиклигига эътибор қаратади ва бажарилаётган ишда уларни хажмига қараб бирлаштира олади. Қордан торот ясаш мумкин эканлигини билади.

Керакли жихозлар: Ўйрик мунчоқлар, рангли бўёқлар, мўйқалам, қор, белкурак, челак ва турли шакллар қолипи, байрам торти тасвирланган расм.

Фаолиятнинг бориши:

1. Торт тасвирланган расмларни томоша қилиш.
2. Режалаштириш.
3. Торт учу насос ясаш.
4. Тортнинг асосий қисмига қўшимча шаклдаги қор бўлақларини ёпиштириш.
5. Рангли бўёқлар билан тортни безаш.
6. Мунчоқлар билан безаш.

Қўшимча: Торт ёнига қўшимча ширинликлар тайёрлаш ва «Меҳмон-меҳмон» сюжетли-ролли ўйинни ўйнаш.

Алоҳида эътибор қаратилади: ижодий қобилиятларига, ишлаш жараёнида тозалikka ва гигиена қоидаларига риоя қилинишига. Қўл ҳаракатларининг ривожланганлигига.

Қуриш-яаш ва математика..

Мавзу: Музда қолган мевали дарахтларни безаш «Нуқталарни бирлаштир ва бўя» вазифасини бажариш.

Мақсад: Фазовий мўлжал олишни билади, қоғоз сатҳида ўнг, чап, тепа, паст томонларини ажрата олади. Ижодий малакалари шаклланади.

Керакли жихозлар: Намуна, тайёр шаблонлар, рангли бўёқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Музда қолган дарахтларни кўринишини томоша қилиш.
2. Намуналарни томоша қилиш.
3. Шаблонларни олиш ва ишлаш.
4. Тайёр дарахт шакли туширилган расмларга қўшимча безак бериш.
5. Тайёр бўлган ишларни дўстлари билан ўртоқлашиш.
6. Ўз-ўзини баҳолаш.

Қўшимча: Куннинг иккинчи ярмида болалар билан фазовий мўлжал олиш малакаларини ривожлантирувчи ўйин ва машғулотлар ташкил этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Тарбияланувчиларда фазовий мўлжал олиш малакалари шакллانганлигига, ижодий қобилиятлари, ранглардан бошқа ранглар ҳосил қилиш маҳоратларига.

Фан ва табиат.

Мавзу: Сувнинг музлаганда кенгайиш хусусияти. Сув билан тажриба утказиш.

Мақсад: Сув ва унинг хусусиятларини билади, сувдан тугри фойдаланиш кўникма-малакаси ривожланади. Мустақил равшда сувнинг музлаш хусусияти устида тажрибалар утказади.

Керакли жихозлар: Сув, елим (боклажка) идишда муз, мавзу асосида кургазмали суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сув хусусиятлари тасвирланган расмларни томоша қилиш ва уларни ўрганиш.
2. Сув ва музни ушлаб кўриш.
3. Сув ва музни бир-биридан фарқини таҳлил қилиш.
4. Елим идишдаги музни кузатиш.
5. Музнинг ранги ва тиниклигини аниклаш.
6. Музнинг каттиклигини пайпаслаш оркали аниклаш.
7. Бўш елим идишларга сув тўлдириш.
8. Тўлдирилган сувларни очик ҳавога эртанги кунга қадар қолдириш.
9. Кейинги кун ҳавода қолдирилган сувни музга айланганлигини кўриш.
10. Тажриба натижасини таҳлил қилиш.

Қўшимча: Тарбиячи ёрдамида сувнинг музлаш жараёнида қандай кенгайиши ҳақидаги билимларни етказиш. Сайр вақтида сумалакларни кузатишга таклиф этиш.

Алоҳида эътибор қаратилади: Олиб борилган фаолият натижасини тўғри таҳлил қила олиши ва ўзига хулоса чиқаришдаги малкасини ривожланганлигига.

Санъат маркази.

Мавзу: «Қорпарчалар учмоқда» мавзусида аппликация.

Мақсад: Қоғоз билан ноъанавий усулларда ишлашни билади. Майда кўл маторикаси ривожланади. Қоғоздан қорпарчалар ясайди.

Керакли жихозлар: Тайёр қорпарчалар, қорпарчаларни тайёрлаш технологияси тасвирланган жадвал, мавзу асосида кўргазмали расмлар, қоғоз, қайчи, елим.

Фаолиятнинг бориши:

1. Тайёр намуналарни кўриш.
2. Тахминий режалаштириш.
3. Ижодий ишни бошлаш.
4. Тайёр бўлган қорпарчаларини қоғозга тартиб билан ёпиштириш ва мазмунли тасвирларни яратиш.
5. Тайёр ишларни таҳлил қилиш.

Қўшимча: Фаолият якунида тарбияланувчиларни рағбатлантириш. Болаларга гуруҳ хонасини қорпарчалар билан безатишни таклиф этиш.